

Операторнинг хуқуқлари:

2.2.1. Янги интернет станциялари ишга тушиши ва интернет тармоқлари реконструкция қилиниши муносабати билан амалдаги «Қоидалар»га мувофиқ Абонентнинг рухсатисиз, аммо унга ўз вактида хабар берган ҳолда, интернет рақамини бепул ўзгартириб қўйиш.

2.2.2. Оператор абонент линияларига тегишли сертификати бўлмаган ускуналар (интернет аппаратлари, телематик хизмат ускуналари, ахборот узатгичлар, радиоинтернетлар, радиоузайтиргич, ПК, АОН ва бошқалар)ни ўчиритиши операторнинг техник комиссияси томонидан далолатнома тузилгандан сўнг Абонентдан талаб қилиш.

2.2.3. Кийидаги ҳолларда абонент ускунасини интернет тармоғига уланишини тўхтатиш:

- маҳаллий, шаҳарлараро ва ҳалқаро интернет алоқаси учун 4.6., 4.6.1.-бандларга асосан интернет хизматлари тўловлари тўланмаганда (бунда интернет алоқасини узиш ҳакида абонент камидан 3 кун олдин интернет билан огохлантирилиши зарур);

- абонент томонидан охирги қурилмаларни ишлатиш қоидалари бузилгандан ва бунинг натижасида оператор коммутацион ускуналарининг нормал ишлашига ҳалакит берган ҳолларда;

- 2.2.4. Абонентнинг ушбу **8 365 56 54 4 84** рақамлари шаҳар ичидаги интернет сўзлашувлари алоқасига уланган.

3. АБОНЕНТНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Ҳар чоракда камидан 1 марта Оператор билан ўзаро ҳисоб-китобларни аниқлаш мақсадида солиштириш далолатномаси тузиш.

3.2. Оператор ҳисобидаги ёки у томонидан таъмирланадиган Абонент фойдаланиладиган уй интернет симлари ва бошқа ускуналарни ишга яроқли ҳолатда саклаш. Абонентта тегишли бўлган ёки Абонент томонидан ижарага олинган телекоммуникация воситаларининг техник меъёrlарга мувофиқ бўлишини таъминлаш.

3.3. Интернет бузилишлари ҳакида телекоммуникация боғламасининг таъмирлаш бюросига ўз вактида хабар бериш.

3.4. Корхонанинг номи, реквизитлари ўзгарганда, хонани ижарага бериш бўйича, бир ой муддат ичидаги ёзма равишда, санасини кўрсатган ҳолда Операторга хабар қилиш ва амалдаги тарифлар бўйича тўловлар эвазига шарномани қайта расмийлаштириш ёки уни бекор қилиш. Ижара муддати тугаши билан ёки ижарага бериш бўйича шартнома бекор қилинадиган бўлса, интернет алоқаси хизматини кўрсатиш бўйича тузилган шартнома ижарага олувишидан ижарага берувчи бепул қайта расмийлаштирилиши мумкин. Ижарага берувчи ижара шартномасини бекор қила туриб, ижарага олувишининг Оператор олдидағи қарзларини узишини назорат қилади ва қарзлар мавжуд бўлган тақдирда белгиланган тартибида жавобгар бўлиб ҳисобланади.

3.5. Абонентнинг алоқа «Қоидалар»ини қай даражада бажараётганини ёки абонент буюртмасига асосан таъмирлаш учун келган Оператор ходимини (агар у расми ёпиштирилган, корхона мухри босилган, амал қилиши муддати кўрсатилган гувоҳномага эга бўлса) бинога киришга рухсат этиш. Бунда Оператор ходимида бажариладиган ишлар наряди ҳам бўлиши зарур.

3.6. Абонент ускунасидан пуллик хизмат кўрсатиш учун таксофон сифатида, Интернетга кириш ва ҳоказо мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Оператор томонидан ажратилган интернет рақамларидан телекоммуникация хизматларини кўрсатиш «Қоидалар»га белгиланган тартибида амалга оширилади. Ушбу банд бузилган тақдирда Оператор Абонентнинг телекоммуникация тармоғига киришини оператор техник комиссияси томонидан далолатнома тузилиб, камчиликлар бартараф этилгунга қадар тўхтатиб қўйиш хуқуқига эга. Абонент томонидан мазкур ҳолатлар тақрорланганда шартнома бир томонлама бекор қилинади.

3.7. Фақат сертификатланган интернет аппаратлари ва бошқа ускуналардан абонент ускунаси сифатида фойдаланиш. Мувофиқлик сертификати бўлмаган, интернет рақамини автоматик аниқлаш ускунаси(АОН)дан фойдаланмаслик.

3.8. Абонент интернетларидан ва бошқа охирги қурилмаларидан амалга оширилган маҳаллий, шаҳарлараро, ҳалқаро интернет сўзлашувлари учун тўловларни тўлиқ 4.3 – бандга асосан амалга ошириш.

3.9. Абонентлик қурилмасини ўзбошимчалик билан ўрнатиш ва параллел интернет аппаратлари ёки бошқа радио алоқаси, телематик хизматлар ва ахборот узатгичларига улаш таъқиқланади. Бу қурилмаларни улаш операторга маълум қилинib, мувофиқлик сертификатига эга бўлгач амалга оширилади. Агар, Абонент томонидан ўзбошимчалик билан абонент линиясига уланган қурилманинг уланиш вактини аниқлаш имконияти бўлмаса, абонент тўлови жорий йилнинг бошидан ҳисоблаб ундирилади.

Радиоинтернетлар ва бошқа радиоэлектрон воситалар (10 мВт қувватли симсиз интернетлар бундан мустасно) абонент қурилмаси сифатида уланган тақдирда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш Агентлиги ёки унинг ваколатли организдан бу қурилмалардан фойдаланишга рухсатнома олиниши зарур.

3.10. Телекоммуникация тармоқлари иш сифатини пасаайтиришга ёки уларни шикастланишига қаратилган ҳатти-харакатларга йўл қўйилмаслиги зарур.

3.11. Абонент «Қоидалар»да белгилаб бериленган бошқа бир қатор мажбуриятларга ҳам эга.

4.Хизматларга ҳак тулаш

4.1. Маҳаллий, шаҳарлараро ва ҳалқаро интернет алоқаси учун тўловлар:

- Шартноманинг 1.2-бандида белгиланган ҳар чорак учун толов суммасининг ўртача бир ойлик маблағининг 100% и миқдорида олдиндан тўловни амалга оширилади. Ҳар ой якунни билан томонлар ўртасида тузилган солиштирма далолатнома асосида ҳакикатда кўрсатилган хизмат учун колган тўлов амалга оширилади.

4.2. Олдиндан тўлов тарикасидаги тўловлар камидан 1 ой олдин, лекин 12 ойдан кўп бўлмаган муддат учун амалга оширилиши мумкин, якуний тўлов томонлар ўртасидаги далолатнома асосида 1 ой ичидаги ўтказилади.